

## Тазкия дарслари (235-дарс) Аллоҳга муҳаббат ҳақидаги ҳадислардан намуналар



19:00 / 18.06.2023 2716

نَأْنَعُهُلَلَا يَضْرِسَنَأْنَعَ  
يَلَصُّي بَنَلَلَأْسَمُلُجَر  
يَتَمَّمَ مَلَسَوْهَيَلَعُهُلَلَا  
لَاقِ ئِلَلَلَلَوْسَرَأَيُهَعْأَسَلَا  
تَدْدَعَأْمَمَ لَاقِ ئِلَهَلَتَدْدَعَأْمَم  
مَأْيَصَلَوْهَلَصَرِيَثَكَلَه  
هُلَلَأْبَحُأْيِنَكَلَوْهَقَدَصَلَه

نَمَعَمْتُنَأْلَاقُهُسَرَوْ  
هَيَاوِرِي فَدَازَتْبَحَأْ  
لَاقَهُلَذَكُنْحَنَوْهَنْلُقَفَ  
حَرَفِهِذَمْوَيِهَنْحَرَفَفِهِمْعَنْ  
هَنْهَخِي شَلَهَأَوِرِهِدِي دِشَ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Қиёмат қачон, эй Аллоҳнинг Расули?» деб сўради.

«Сен унга нима тайёрладинг?» дедилар.

«Мен унга кўп намоз, рўза ва садақа тайёрлаганим йўқ. Лекин Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қиласман», деди.

«Сен ўзинг муҳаббат қилганлар билан биргасан», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Биз ҳам шундайми?» дедик.

«Ҳа», дедилар.

Ўша куни қаттиқ хурсанд бўлдик» дейилгани зиёда қилинган».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Демак, Аллоҳ таолога ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат улуғ нарса. Бу муҳаббат бу дунёда Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишга ва у дунёда жаннатга етаклайди. Бунинг устига, жаннатда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлади.

نَعْ، نَعْ هُلْلَا يَضْرِسَنْأُونَعْ  
هُلْلَا يَلْصِي بَنْلَا  
كُنْمُثْ تَالَّثْ لَاقْ مَلَسَو  
وَالَّحْ نَهْبَدَجَوْهِي فَ  
هُلْلَا نُوكَيْ نَأْ نَامِي إِلَا  
أَمْمَهِي لِإِبَحَّأُهُلْوُسَرَو  
أَلْعَرْمُلَالِبِحُّيْ نَأْ وَأَمْهَوْسَ  
نَأْ وَأَلْأَعَتْهُلَالِبِحُّيْ  
رْفُكْلَا يَفَدُوعِيْ نَأْهَرْكَيْ  
يَفَفَذْقِيْ نَأْهَرْكَيْ أَمَكَ  
أَبَأْلِإِسْمَخْلَأْهَوْرَرْانَلَا  
دُواَدَ.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, иймон ҳаловатини топади:  
Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма  
нарсадан маҳбуб бўлмоқлари, бир кишига фақат Аллоҳ таоло  
учунгина муҳаббат қилмоғи ва куфрга қайтишни худди оловга  
ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

Ушбу ҳадисда Исломнинг энг асл тушунчаларидан бири бўлган комил иймон ҳаловатини қайси йўл билан топиш мумкин экани баён қилинмоқда. Чунки иймон ҳаловатини топиш оддий ҳол эмас.

«Ҳаловат» сўзи «ҳолва» сўзидан олинган бўлиб, «ширинлик» маъносини англатади. Аслида моддий маънода ишлатиладиган бу сўз бу ерда истиора илиа маънавий маънода келмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларининг бошида:

**«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, иймон ҳаловатини топади»**, дея эшитувчини қизиқтириб оладилар. Иймон ҳаловати ҳаммани қизиқтирадиган нарса. «Иймон ҳаловатини қандай қилиб топса бўлар экан?» деб ҳамма ҳам қизиқади. Иймон ҳаловатини уч нарса билан топиш мумкинлигини эълон қилиш эса ҳамманинг эътиборини ўзига тортиши турган гап.

**«Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма  
нарсадан маҳбуб бўлмоқлари».**

Комил иймонга эга бўламан, иймон ҳаловатини топаман, деган одам Аллоҳ таолони ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳаммадан кўра кўпроқ севмоғи лозим. Зотан, бусиз иймон бўлиши ҳам мумкин эмас.

Хўш, Аллоҳ ва Унинг Расулини севиш нима билан бўлади? Бу борадаги муҳаббатни қандай тушунмоқ керак? Уламоларимизнинг ушбу саволга берган жавобларидағи иборалари турлича бўлса ҳам, маъноси бирдир. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолога муҳаббат Унинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтишдир. Аллоҳ яхши кўрган нарсани яхши кўриб, Аллоҳ ёмон кўрган нарсани ёмон кўришдир.

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат ҳам у зотнинг шариатлари ва суннатларини лозим тутишдан иборат.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**